

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.К/Т35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ НОДИР ЁДГОРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ОҲАКТОШ ҚЎШИМЧАЛИ ЭКСПОРТГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН АММИАКЛИ
СЕЛИТРА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА
ЖОРИЙ ҚИЛИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Жураев Нодир Ёдгорович

Маҳаллий оҳактош қўшимчали экспортга мўлжалланган
модификацияланган аммиакли селитра технологиясини ишлаб чиқиш
ва амалиётга жорий қилиш..... 3

Жураев Нодир Ёдгорович

Разработка и внедрение технологии экспортоориентированной
модифицированной аммиачной селитры с добавкой местного
известняка 21

Juraev Nodir Yodgorovich

Development and implementation of the technology of export-oriented
modified ammonia nitrogen with the addition of local limestone 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.К/Т35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ НОДИР ЁДГОРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ОҲАКТОШ ҚЎШИМЧАЛИ ЭКСПОРТГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН АММИАКЛИ
СЕЛИТРА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА
ЖОРИЙ ҚИЛИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т1397 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.iopx.uz ва «Ziyouet» ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий олоинентлар:

Мирзакулов Холтура Чориевич
техника фанлари доктори, профессор

Нурмуродов Тулқин Исамуродович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc 02/30.12.2019.К/Т35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «6» июнь 2020 йил соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: iopxanguz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2020 йил «28» май куни тарқатилди.
(2020 йил «28» майдаги 4 - рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., профессор

С.А.Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий дунёда минерал ўғитлар ишлаб чиқариши кимё саноатининг етакчи ўрнини эгаллайди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини жадал олиб боришда тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда асосан ўғитлар турини тўғри танлашга боғлиқдир. Азотли ўғитлар ичида аммиакли селитра (АС) барча типдаги тупроқ ва барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларида самарали таъсир этадиган универсал маҳсулот ҳисобланади. Кўплаб давлатлар яхши товарлик сифатига ва пасайтирилган детонацион хоссаларга эга бўлган модификацияланган АС олишга эътибор қаратмоқда. Бу борада арзон ва осон етказиладиган, аммо юқори самарали кўшимчаларни қўллаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда аммоний нитрати суюқланмаси ёки эритмаси ва турли кўшимчалар асосида сақлаш ва қўллаш даврида ташқи таъсирларга барқарор, юқори термик барқарорликка эга бўлган, микро- ва макроэлементлар билан бойитилган, юқори агрокимёвий самарадорлигини сақлаган АСнинг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича қуйидаги йўналишлардаги ечимларни илмий асослаш: агрокимёвий самарага эга минераллар жумладан оҳақтошнинг АС доналар ёпишқоқлигига ва мустаҳкамлигига, ундан ташқари $20 \leftrightarrow 50^{\circ}\text{C}$ ҳарорат оралиғида қизиш-совиш кўп қайталанувчи цикллардаги термик барқарорлигига таъсирини ўрганиш; АС доналари мустаҳкамлигини ва термик барқарорлигини оширадиган, ёпишқоқлигини, ғовоклигини, дизел ёқилгисини шимишини, сувда эриш тезлигини камайтиришга имкон берадиган $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3$ мақбул нисбатларини топиш; аммоний нитрати суюқланмаси ва маҳаллий оҳақтош асосида ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва инновацион ишланмалар натижасида «Navoiyazot» АЖда оддий суперфосфат, фосфатлаштирилган АС, Бентоселитра, карбамид, калий нитрати ва турли маркадаги NPK-ўғитлар каби минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича муайян илмий ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «... маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга таълуқли бўлган кимё саноатини модернизация ва диверсификация орқали янги даражага даражага чиқиш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий оҳақтошни қўллаш орқали экспортга мўлжалланган АС олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ривожлантириш бўйича бешта йўналишдаги Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётда илмий-тадқиқот ишлари, тажриба-саноат синовлари ва модификацияланган АС ишлаб чиқаришни ўз ичига олган кенг маълумотлар базаси тўпланган. АС ёпишқоқлигини баратараф этишда сувни ўзига тортиб олувчи, кристалланиш марказларини ҳосил қилувчи, сувда эрувчан ва эримайдиган ноорганик моддалар каби қўшимчалар қўлланилган (Vincent J.Russo, Brown Marion L., Фридман С.Д., Абросимова А.М., Скум А.С., Клевке В.А., Миниович М.А., Олевский В.М., Стрижевский И.И.). АСнинг ёпишқоқлигини камайтириш борасида каустик магнезит энг яхши қўшимча ҳисобланади. Уни маҳаллий оҳактошга алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

АСнинг портловчилик ҳавфлилиги унинг эритмаси ёки суюқланмасига карбонатли бирикмалар, калийли моддалар, аммонийли тузлар: аммоний орто- ва полифосфатлар, балласт моддалар қўшиш билан ечилади (Kołaczkowski A., Biskupski A., Kaljuvee T., Edro E., Цеханская Ю.В., Долгов В.В., Таран А.Л., Жмай Л.А., Harry Kiiski, Watson Ian Kendall, Постников А.В., Конвисар Л.В.). АС асосида портловчилик ҳавфи бўлмаган ўғит яратиш борасида «Череповецкий азот» (Россия) ОАЖда селитра суюқланмасига суперфосфор кислотасидан олинган 11% N ва 37% P₂O₅ таркибли суюқ комплекс ўғитини қўшиш йўли билан стабиллашган АС ишлаб чиқаришини ишга туширилишида ижобий натижаларга эришилган (Чернышев А.К., Левин Б.В., Туголуков А.В., Глаголев О.Л., Ильин В.А.). Афсуски, суперфосфор кислотаси Ўзбекистонда йўқ. Портловчилик ҳавфсизлиги нуқтаи назаридан, АС суюқланмасига калий хлоридини киритиш йўли билан калийли-аммиакли селитра олиш бўйича ишлар истикболли бўлиши қийин, чунки маҳсулотда NH₄NO₃ термик парчаланишида катализатор ҳисобланадиган кўп миқдорда хлор мавжуд. «Навоиазот» АЖда АС суюқланмасига от 3 до 5% P₂O₅ миқдорда Қизилқум фосфорит унини киритиш йўли билан портловчилик ҳавфи бўлмаган АС усули жорий қилинган (Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Реймов А.М., Курбаниязов Р.К.).

Таркибида 28% азот тутган селитра портловчилик ҳавфи пасайиши маълум бўлган далилга асосланган ҳолда, азотни 34% дан 28% гача камайтириш учун селитра таркибига Ўзбекистон конлари оҳактошларини киритиш мақсад қилинди. Оҳакли-аммиакли селитра (ОАС) ишлаб чиқариши

гарчанд Европа ва Россияда кенг тарқалган бўлсада, аммо ОАС хоссаларини ўрганиш бўйича систематик тадқиқотлар олиб борилмаган. Ундан ташқари, хом ашёнинг таркиби ва хоссалари ўзгарувчан бўлганлиги сабабли турли хил кон оҳактошларини ишлатиш самарадорлиги мутлақо ҳар хил бўлиши мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИЗ-20170925259 рақамли «Маҳаллий оҳактош ва доломит қўшимчали экспортга мўлжалланган модификацияланган аммиакли селитра технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш» (2018-2019 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аммоний нитрати суюқланмаси ва маҳаллий оҳактош уни асосида экспортга мўлжалланган модификацияланган аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли хил кон оҳактош унининг (Кармана, Жамансай, Овхона, Фориш ва Қарноб) таркиб ва физик-механик хоссаларини аниқлаш;

NH_4NO_3 : CaCO_3 оғирлик нисбатларига боғлиқ равишда NH_4NO_3 суюқланмаси ва оҳактош уни асосида ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра (ОАС) олиш жараёнларини ўрганиш;

ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва ОАС доналарининг таркиб ва физик-кимёвий хоссаларини (мустаҳкамлик, ёпишқоқлик, ғовоклик, дизел ёқилғисини шимиши, эриш тезлиги, модификацион ўзгаришлар, термик барқарорлик, фаолланиш энергияси, буферли таъсир) ўрганиш;

компонентлар оғирлик нисбатлари ва ҳароратга боғлиқ равишда оҳакли-нитратли суюқланмаларнинг реологик хоссаларини (зичлик, қовушқоқлик) ўрганиш;

лаборатория модел курилмада ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра олиш технологиясини синовдан ўтказиш;

модификацияланган АС олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва «Navoiyazot» АЖда ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти NH_4NO_3 суюқланмаси, турли хил кон оҳактошлари, оҳакли-нитратли суюқланма, ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитрадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети NH_4NO_3 суюқланмасига оҳак унини қўшиш, кейинчалик оҳакли-нитратли суюқланмаларни сепиш (прилливирование) усулида донадорлаш йўли билан ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра олиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-механик, рентгенографик, электрон-микроскопик ва термик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оҳактош унининг физик-механик хоссаларини аниқлаш йўли билан уни селитрага модификатор сифатида қўллаш мумкинлиги исботланган;

стандарт селитрага 2% оҳактош унини кўшишда унинг доналари мустаҳкамлиги 2 баробар ортиши ва ёпишқоқлиги 2 баробар камайиши аниқланган;

кристаллар ҳажми кескин ўзгармаган ҳолатда NH_4NO_3 нинг IV модификацион шаклини барқарорлаштирадиган NH_4NO_3 нинг CaCO_3 га мақбул нисбати аниқланган;

кристалл тузилиш жипслашиши эвазига NH_4NO_3 нинг структура бузилиш ҳароратини 211 дан 262°C гача оширган ҳолда, унинг парчаланишини ингибирловчи сифатида таъсир кўрсатиши исботланган;

АСни қиздиришда оҳактош ижобий буферли таъсир кўрсатиши ва унинг рН кўрсаткичини барқарорлаштириши аниқланган;

ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

импорт магнезиал кўшимчалари ўрнига 2 %-ли ўта майдаланган оҳактош унини кўшиш йўли билан қониқарли истъеомолчилик хоссаларга эга ёпишқоқлиги бўлмаган АС (34% дан кам бўлмаган N) олиш технологияси ишлаб чиқилган;

NH_4NO_3 суюқланмаси ва оҳактош уни асосида термик барқарорликка эга бўлган экспортга мўлжалланган оҳакли-аммиакли селитра (28% дан юқори бўлмаган N) олиш технологияси яратилган;

оҳактош уни кўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС технологиясининг тажриба-саноат синовлари «Navoiyazot» АЖда ўтказилиб, янги турдаги маҳсулотнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилган;

оҳакли-аммиакли селитра олишнинг ишлаб чиқилган технологияси «Navoiyazot» АЖда юқори иқтисодий самарадорлик билан амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенографик, электрон-микроскопик, термик) таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, у ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра ишлаб чиқаришларини яратишга асос солди. NH_4NO_3 суюқланмасини оҳак уни билан ўзаро таъсирлашув механизминини ўрганишда тасдиқландики, АСнинг ёпишқоқлиги сезиларли камаяди, бунда мустаҳкамлиги ва парчаланиш ҳарорати ортади, шунингдек II-модификациядан IV-модификацияга (II→IV) ўтиши барқарорлашади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган технологиялар маҳаллий хом ашё материални қўллаш эвазига четдан олиб келинадиган магнезиал кўшимчани алмаштириш ва экспортга мўлжалланган маҳсулот олиш, натижада қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган азотли ўғитларнинг ассортименти кенгайтиришга хизмат қилиади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. NH_4NO_3 суюқланмаси ва оҳактош уни асосида ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва экспортга

мўлжалланган оҳакли-аммиакли селитра олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оҳактош уни қўшимчаси билан ёпишқоқлиги бўлмаган АСнинг (34% дан кам бўлмаган N тутган) ишлаб чиқилган технологияси «Navoiyazot» АЖнинг истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Navoiyazot» АЖнинг 2020 йил 21 февраль 03/1553-сон маълумотномаси). Натижада четдан келтирилаётган магнезит қўшимчасини оҳактош унига алмаштириш орқали ҳам ашё қўшимчаси таннархини 87% гача камайтириш имконини берган;

NH_4NO_3 суюқланмаси ва оҳактош уни асосида экспортга мўлжалланган оҳакли-аммиакли селитра (28% дан юқори бўлмаган N тутган) олиш технологияси «Navoiyazot» АЖда амалиётга жорий қилинган («Navoiyazot» АЖнинг 2020 йил 21 февраль 03/1553-сон маълумотномаси). Натижада портловчанлик хоссаси пасайтирилган ва экспортга мўлжалланган оҳакли-аммиакли селитра олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 5 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «Аммиакли селитра ва унинг физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш усуллари» ҳисобланган адабиётлар шарҳида АС кристалларининг ёпишиш жараёни ва детонацион қобилияти кўрилган. Бунда унинг таркибига турли хил қўшимчаларни киритиш йўли билан уларни бартараф этиш мумкин бўлган йўллари кўрсатилган. Ушбу қўшимчаларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин: эркин ҳолатдаги намликни боғловчи қўшимчалар; полимор ўзгаришлар жараёнига таъсир этувчи қўшимчалар; доналар юзасини пурковчи моддалар ва уларга сирт-фаол

моддалар билан ишлов бериш ҳамда кристалланиш марказини ҳосил қилувчи қўшимчалар. АСнинг ёпишқоқлигини бартараф қилиш учун магнезит энг яхши қўшимча ҳисобланади. Таҳлил, магнезиал қўшимчасини Ўзбекистонда захираси тўғамас ҳисобланган оҳактош маҳаллий хом ашёсига алмаштириш мумкинлигини аниқлаш имконини берди. Адабиётлар шарҳида яна АС нинг термик парчаланиш механизми ва ҳар хил қўшимчаларнинг унинг термик барқарорлигига таъсири таҳлил қилинган. Оҳактош қўшимчали селитра сақлаш вақтида ёпишмайди ва портловичлик ҳавфи анча кам бўлади. Диссертациянинг адабиётлар шарҳи мазкур ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантиришга имкон берди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон оҳаклари қўшимчаси билан ёпишқоқлиги бўлмаган аммиакли селитра» иккинчи бобида таркиби 1-жадвалда келтирилган Кармана, Жамансай, Овхона, Фориш ва Қарноб конлари оҳакларининг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди.

1-жадвал

Ҳар хил конлар оҳак унининг кимёвий таркиби

Конлар номи	Компонентлар миқдори, оғир. %									
	CaO	MgO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	SiO ₂	Na ₂ O	K ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	CO ₂
Кармана	54,49	0,99	0,215	0,30	0,55	0,150	0,10	0,080	0,42	43,12
Жамансай	55,37	0,91	0,12	0,08	0,84	0,030	0,030	0,50	0,10	43,45
Овхона	54,82	0,58	0,13	0,13	1,22	0,105	0,110	0,10	0,10	43,54
Фориш	54,88	0,47	0,21	0,10	0,49	0,050	0,050	0,020	0,10	43,51
Қарноб	54,30	0,96	0,33	0,72	0,61	0,020	0,060	0,046	0,11	42,76

1-жадвалдан кўринмоқдаки, турли хил кон оҳактошлари таркиби ўхшаш, фақатгина компонентлар миқдорининг абсолют қийматлари билан ўзаро фарқ қилади. Уларда СаСО₃ миқдори 97% кам эмас. Оҳактош уни таркибида кальций карбонатидан ташқари доломит, глауконит, фторapatит, гипс ва дала шпатлари иштирок этган, аммо улар жуда камдир. Ўзбекистон оҳак тошлари таркиб ва хоссалари уларни АС модификатори сифатида қўллаш мумкинлигини олдиндан аниқлаш имконини берди. Қўллашдан олдин оҳактош жинслари ўта майдалиқдаги ун ҳолатигача майдаланди. Уларнинг дисперс таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ҳар хил конлар оҳак уни намуналарининг дисперс таркиби

Йириклик синфи, мм	Фракциялар чиқими, оғир. %				
	Кармана	Жамансай	Овхона	Фориш	Карнаб
0,5	18,2	10,8	7,2	12,0	15,6
- 0,5 + 0,315	31,5	26,1	13,2	24,2	25,6
- 0,315 + 0,25	19,9	23,8	32,2	27,0	26,1
- 0,25 + 0,16	18,1	20,4	30,3	20,1	19,5
- 0,16 + 0,063	10,3	11,8	14,6	12,5	9,9
- 0,063 + 0,05	2,0	7,1	2,5	4,2	3,3
Дастлабки масса	100	100	100	100	100

Модификациялашган АС намуналарини олиш учун асосий компонент сифатида «тоза» маркадаги NH_4NO_3 ишлатилди. Солиштириш учун доналаштирилган NH_4NO_3 ва саноат маҳсулоти - 34,6% N ва 0,28% MgO тутган магнезитли АС танланди.

Экспериментал намуналарни тайёрлаш учун белгиланган миқдордаги тоза NH_4NO_3 175°C да суюқлантирилди, ундан кейин суюқланмага ўлчанган миқдорда оҳактош (CaCO_3) кукуни қўшилди. Ҳосил бўлган суюқланма 3 дақиқа давомида ушлаб турилди, кейинчалик донадорлаш минораси жараёнига ўхшаш ҳолатда сепиш йўли билан донадорланди.

3-жадвалда ёпишқоқлиги бўлмаган АС намуналарининг таркиб ва физик-кимёвий хоссалари келтирилган.

3-жадвал

Ҳар хил кон оҳактош уни қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган аммиакли селитра намуналарининг таркиб ва хоссалари

Дастлабки компонентлар нисбати	N миқдори, %	Мустаҳкамлик, МПа	Ёпишқоқлик, кг/см ²	Ғовоқлик, %	Шимиш даражаси, гр.
NH_4NO_3 («тоза»)	34,96	1,3	5,62	22	4,82
АС (0,28%MgO)	34,6	1,6	4,67	9,1	4,33
Кармана кони оҳак уни қўшилган АС					
100 : 0,5	34,75	1,94	4,03	8,82	4,03
100 : 1,0	34,60	1,98	3,92	8,67	3,85
100 : 2,0	34,23	2,05	3,87	8,45	3,60
100 : 3,0	34,0	2,12	3,69	8,21	3,44
100 : 4,0	33,61	2,18	3,35	7,93	3,21
Жамансай кони оҳак уни қўшилган АС					
100 : 0,5	34,73	1,90	4,16	9,11	4,24
100 : 1,0	34,54	1,95	4,03	8,80	4,09
100 : 2,0	34,30	2,0	3,91	8,76	3,93
100 : 3,0	33,85	2,03	3,73	8,62	3,75
100 : 4,0	33,52	2,08	3,52	8,43	3,66
Овхона кони оҳак уни қўшилган АС					
100 : 0,5	34,70	1,88	4,15	9,07	4,17
100 : 1,0	34,58	1,91	3,97	8,84	3,94
100 : 2,0	34,26	1,93	3,89	8,65	3,73
100 : 4,0	33,45	2,01	3,48	8,36	3,32
Фориш кони оҳак уни қўшилган АС					
100 : 0,5	34,72	1,97	4,18	9,06	4,26
100 : 1,0	34,50	2,04	4,08	8,84	4,11
100 : 2,0	34,17	2,07	3,95	8,72	4,0
100 : 3,0	33,77	2,11	3,82	8,63	3,85
100 : 4,0	33,56	2,15	3,66	8,50	3,72
Карнаб кони оҳак уни қўшилган АС					
100 : 0,5	34,76	1,82	4,09	9,10	4,20
100 : 1,0	34,55	1,89	3,88	8,87	3,97
100 : 2,0	34,20	1,95	3,78	8,71	3,81
100 : 3,0	33,91	2,02	3,67	8,56	3,63
100 : 4,0	33,50	2,10	3,57	8,39	3,48

Ундан кўринмоқдаки, $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3$ оғирлик нисбатига боғлиқ равишда олинган маҳсулотларда азот миқдори 33,5-34,76% оралиғида ўзгаради.

$\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3 = 100 : (0,5-4,0)$ нисбатда Кармана кони оҳактошини кўшишда доналар мустаҳкамлиги 1,94-2,18 МПа, Жамансай, Овхона, Фориш ва Қарноб конлари оҳактошларини кўшишда эса мос равишда 1,90-2,08, 1,88-2,01, 1,97-2,15 ва 1,82-2,10 МПа ни ташкил этади.

Тоза NH_4NO_3 ва магнезиал қўшимчали АС доналар ёпишқоқлиги мос равишда 5,62 кг/см² ва 4,67 кг/см² ни ташкил этади. NH_4NO_3 суюқланмасига Кармана кони оҳактош унини 100г АСга нисбатан 0,5 дан 4,0г гача миқдорда кўшиш доналар ёпишқоқлигини 4,03 дан 3,35 кг/см² гача, Жамансай - 4,16 дан 3,52 кг/см² гача, Овхона - 4,15 дан 3,48 кг/см² гача, Фориш - 4,18 дан 3,66 кг/см² гача, Қарноб - 4,09 дан 3,57 кг/см² гача камайтириш имконини беради.

Тоза NH_4NO_3 ва магнезиал қўшимчали АС доналар ғовоклиги мос равишда 22 ва 9,1% ни ташкил этади. NH_4NO_3 суюқланмасига Кармана оҳактошини 0,5 дан 4,0г гача кўшиш доналар ғовоклигини 8,82 дан 7,93% гача, Жамансай 9,11 дан 8,43% гача, Овхона 9,07 дан 8,36% гача, Фориш 9,06 дан 8,50% гача Карнаб 9,10 дан 8,39% гача камайтиради.

$\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3$ нисбати ва оҳактош уни турига боғлиқ равишда маҳсулот доналари томонидан соляр мойини шимиши 100г маҳсулотга нисбатан 3,21-4,26г оралиғида ўзгаради. У тоза NH_4NO_3 4,82г, 0,28% MgO тутган АСда 4,33г ташкил этади.

100г NH_4NO_3 нисбатан 0,5 дан 4,0г миқдорида оҳактош уни қўшилган селитра суюқланмасининг реологик хоссаларини (зичлик ва қовушқоқлик) ўрганиш кўрсатдики, магнезиал қўшимчали стандарт селитранинг реологик хоссаларидан амалий жиҳатдан фарқ қилмайди.

Маълумотлардан келиб чиқдики, оҳактош уни брусит ва магнезит каби импорт қўшимчаларни тўлиқ алмаштириши мумкин.

«Аммоний нитрати суюқланмаси ва Ўзбекистон оҳактошлари асосида оҳакли-аммиакли селитра» учинчи бобда $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3 = 100 : 5$ дан $100 : 80$ гача оғирлик нисбатларда олинган оҳакли-аммиакли селитра намуналарининг таркиб ва хоссалари ўрганилган.

Экспериментал намуналарни тайёрлаш учун белгиланган миқдордаги тоза NH_4NO_3 175°C да суюқлантирилди, ундан кейин суюқланмага ўлчанган оҳактош уни қўшилди. Олинган оҳакли-нитратли суюқланма 10 дақиқа давомида ушлаб турилди, кейинчалик сепиш йўли билан донадорланди. Оҳактош уни миқдорининг ортиши билан селитра суюқланмасининг кристалланиш ҳарорати ($X_{\text{кристалл.}}$) пасаяди. 100г NH_4NO_3 нисбатан CaCO_3 оғирлик улушининг 5 дан 80г гача ортиши (N миқдори 32,6 дан 18,8% гача; CaO миқдори 2,5 дан 24,8% гача) аммоний нитратининг $X_{\text{кристалл.}}$ дастлабки 167°C дан маҳсулотдаги 149°C гача пасайтиради. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, эримайдиган компонент кристалланиш маркази бўлган ҳолда суюқланманинг қотиш жараёнини енгиллаштиради.

4-жадвалдан кўринмоқдаки, оҳактош улуши қанча кўп бўлса, маҳсулотда N миқдори шунча кам ва CaO миқдори шунча юқори бўлади.

Таблица 4

**NH₄NO₃ суюқланмасы ва ҳар хил кон оҳактош уни асосида олинган
оҳакли-аммиакли селитра намуналари таркиби**


NH ₄ NO ₃ : CaCO ₃ оғирлик нисбати	Оҳактош кони			
	Кармана		Жамансай	
	N, %	CaO, %	N, %	CaO, %
100 : 5	33,30	2,50	33,26	2,65
100 : 10	31,82	4,93	31,75	5,04
100 : 15	30,41	7,06	30,42	7,28
100 : 20	29,17	9,0	29,14	9,19
100 : 25	28,02	10,85	28,0	11,06
100 : 30	27,0	12,57	26,92	12,73
100 : 40	25,04	15,61	25,03	15,80
100 : 50	23,35	18,22	23,31	18,51
100 : 60	21,86	20,46	21,88	20,67
100 : 70	20,60	22,53	20,54	22,82
100 : 80	19,43	24,28	19,40	24,64
NH ₄ NO ₃ : CaCO ₃ оғирлик нисбати	Овхона		Карнаб	
	N, %	CaO, %	N, %	CaO, %
	100 : 5	33,15	2,68	32,67
100 : 10	31,89	5,02	31,24	5,61
100 : 15	30,14	7,31	30,09	7,60
100 : 20	29,18	9,24	28,53	9,14
100 : 25	27,93	11,06	27,39	10,87
100 : 30	26,90	12,67	26,60	12,52
100 : 40	25,04	15,71	24,57	15,88
100 : 50	23,37	18,33	22,62	18,23
100 : 60	21,91	20,60	21,36	20,49
100 : 70	20,44	22,58	20,10	23,08
100 : 80	19,23	24,45	18,80	24,77

Масалан, Кармана кони учун NH₄NO₃ : CaCO₃ оғирлик нисбатининг 100 : 5 дан 100 : 80 гача ортиши билан N миқдори 33,30 дан 19,43% гача, Жамансай кони учун 33,26 дан 19,40% гача, Овхона кони учун 33,15 дан 19,23% гача, Карнаб кони учун эса 32,67 дан 18,80% гача камаяди. Бунда CaO миқдори мос равишда 2,50 дан 24,28% гача, 2,65 дан 24,64% гача, 2,68 дан 24,45% гача ва 2,89 дан 24,77% гача ортади.

Таъкидлаш лозимки, NH₄NO₃ суюқланмасини CaCO₃ билан аралаштиришда қуйидаги реакция бўйича парчаланиш содир бўлади:



NH₄NO₃ суюқланмасы таркибида CaCO₃ нинг карбонатсизланиши қайси даражада кетиши текширилди. Таҳлил кўрсатдики (1-расм), барча NH₄NO₃ : CaCO₃ нисбатларда ва 170-180°C ҳароратларда NH₄NO₃ суюқланмасининг CaCO₃ билан ўзаро таъсирлашув жараёни етарлича жадал боради. Аралашмада CaCO₃ миқдори қанча кўп бўлса, унинг карбонатсизланиш даражаси шунча кам бўлади. Масалан, NH₄NO₃ : CaCO₃ = 100 : 5 нисбатда ҳароратнинг 170 дан 180°C гача кўтарилиши билан CaCO₃ карбонатсизланиш даражаси 35,28 дан 43,36% гача ошадиган бўлса, унда NH₄NO₃ : CaCO₃ =




1-расм. $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3$ нисбати, ҳарорат ва компонентларнинг ўзаро таъсирлашув вақтига боғлиқ равишда кальций карбонатининг карбонатсизланиш даражаси.

100 : 25 нисбатда бу кўрсаткич 28,16 дан 33,52% гача ташкил этади. $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3$ нисбатлар учун шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Фақат маҳсулотлардаги компонентларнинг абсолют қийматлари билан ўзаро фарқ қилади. Аниқландики, дастлабки компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви учун 10 дақиқа етарлидир.


2-расмдан кўринмоқдаки, ўрганилган $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3$ нисбатларда Кармана оҳактош уни учун маҳсулотларда CaO ўзлашувчан шаклининг нисбий миқдори 13,54-27,86%, сувда эрувчан шакли 3,81-12,15% ташкил этади. CaO ўзлашувчан шакллариининг қийматлари маҳсулотларни самарали кальций-азотли ўғитлар деб ҳисоблашга имкон беради.

Оҳактош уни улуши ортиши маҳсулот доналарининг мустаҳкамлигига ижобий таъсир кўрсатиб, 3,52 дан 8,45 МПа гача оширади (3-расм, а). CaCO_3 қўшимчали АС доналари ёпишқоқлиги 2,34-3,58 кг/см², бу қўшимчасиз селитрага - 5,62 кг/см² солиштирганда 1,6-2,4 баробар пастдир (3-расм, б).

АСнинг портловчилик хоссасини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири доналар ғоваклиги ва суюқ ёқилғини адсорбция қилиш қобилияти ҳисобланади. Тоза NH_4NO_3 ва 0,28% магнезиал қўшимчали АС доналари ғоваклиги мос равишда 22 ва 9,1% ташкил этади.



2-расм. Аммоний нитрати суюқланмаси ва Кармана кони оҳактош уни асосида олинган маҳсулотлардаги ҳар хил шаклдаги СаО нисбий миқдорлари.



3-расм. Кармана оҳактош уни қўшилган оҳакли-аммиакли селитра намуналари доналарининг мустаҳкамлиги (а), ёпишқоқлиги (б), ғоваклиги (в) ва дизель мойини шимиши (г).

CaCO_3 селитра доналари ғовоклигини 8,76 дан 6,54% гача камайтиришга имкон берди (3-расм, в). Доналар ғоваклиги қанча кичик бўлса, ёқилғини шимиш даражаси шунча камдир. Ушбу вазият ўзаро боғланган. Оҳактош уни қўшимчаси миқдорига боғлиқ равишда ОАС доналари томонидан дизел ёқилғисини шимиши 1,97 дан 3,45г гача ораликда ўзгаради. У қўшимчасиз NH_4NO_3 ва 0,28% магнезиал қўшимчали АСда мос равишда 4,82 ва 4,33г тенгдир (3-расм, г).

Демак, доналар мустаҳкамлиги қанча юқори бўлса, уларнинг ғоваклиги ва ички солиштирма юзаси шунча кичик, доналар ичига дизель ёқилғиси шунча кам киради, ва бунинг натижасида селитранинг детонацион қобилияти шунча даражада кам бўлади.

Аниқландики, ОАС доналари 0,28% магнезит қўшилган АСга қараганда сувда анча секин эрийди (1,5 баробар кам). Бу шуни англатадики, оҳактош унинг доналаридан N нинг секин ажралиб чиқишини таъминлайди.

Микроскопик тадқиқотларга тоза АС ва NH_4NO_3 : $\text{CaCO}_3 = 100 : 5$ оғирлик нисбатда олинган Кармана кони оҳактош уни қўшимчали ОАС намуналари жалб қилинди. ИАС намунасининг микрофотографиясида доналар юзаси ва қирқимида дастлабки NH_4NO_3 учун ўхшаш бўлган тузилиш кузатилади, яъни кристалларнинг йирик конгломератлари ва кўп миқдорда майда ғовоклар мавжуд бўлади. Ягона фарқи шундаки, доналар юзасида ҳамда қирқимида ора-сира жойлашган оқ оҳактош унининг заррачалари кўринади.

Электрон-микроскопик тадқиқотлар натижаси асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин, оҳактош уни кристалланиш марказлари бўлган ҳолда NH_4NO_3 кристаллари ўлчамини кичрайтиради. У ғовак ва микроёриқларни тўлдирган ҳолда, АС доналарининг анча такомиллашган ички тузилиш ва юзасини ҳосил қилади.

Термик усулни қўллаш орқали NETSCH STA 409 PC/PG (Германияда и/ч) ускунасида 25 дан 175°C гача – 175 дан 25°C гача қиздириш-совитиш ҳарорат оралиғида аниқландики, тоза NH_4NO_3 суюқланиши одатда IV→III; III→II; II→I ва I→суюқланма орқали кетади. Бунда IV→III полиморф ўтишлар 46°C, III→II – 85°C, II→I – 126°C, I→суюқланма 169°C ни ташкил этади. ОАС намуналари учун худди шундай кетма-кетлик кузатилади, аммо ўтиш ҳароратлари бўйича фарқ қилади. Тоза NH_4NO_3 суюқланмасини совитишда суюқланма→I; I→II; II→III ва III→IV ўзгаришлари мос равишда 169; 125; 48 ва 30°C орқали кетади. ОАСни совитишда эса модификацион ўтишлар суюқланма→I; I→II; II→IV орқали кетади. Бунда III фаза ҳосил бўлмайди, бу эса намуналар кристалл панжарасининг кам деформациясини ва доналарнинг етарли мустаҳкамлигини таъминлайди.

Тоза NH_4NO_3 нинг (қўшимчаларсиз) дастлабки парчаланиш ҳарорати ва фаолланиш энергияси 211°C ва -915 Дж/г, ОАС намуналарида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 231-262,3°C ва -661,9÷-886,3 Дж/г оралиғида бўлади. Бу шундан далолат берадики, оҳактош уни АСнинг термик барқарорлигини сезиларли оширади.

5-жадвалдан кўринмоқдаки, термоциклларнинг (20↔50) сони ортиши билан тоза NH₄NO₃ доналари 90 термоциклдан кейин, 0,28% магнезиал қўшимчали селитра доналари 100 термоциклдан кейин, 4,76% CaCO₃ тутган ОАС доналари 122 термоциклдан кейин ва 44,45% CaCO₃ тутган ОАС доналари 184 термоциклдан кейин тўлиқ бузилади.

5-жадвал

Термоцикллар сонига боғлиқ равишда NH₄NO₃ суюқланмаси ва Кармана оҳактош уни асосида олинган ОАС намуналари доналарининг мустаҳкамлиги

NH ₄ NO ₃ : CaCO ₃ оғирлик нисбати	Доналар мустаҳкамлиги, кг/гранула					Термо- цикллар сони 20↔50°C
	Тайёрлан- гандан кейин	10 та термо- циклдан кейин	50 та термо- циклдан кейин	100 та термо- циклдан кейин	150 та термо- циклдан кейин	
Донадорланган NH ₄ NO ₃ «тоза» марка	0,66÷0,76	-	-	—*	—*	90
0,28% MgO тутган АС	0,81	-	-	—**	—**	100
100 : 5	3,52	0,76	0,10	-	-	122
100 : 15	4,85	1,23	0,38	-	-	135
100 : 25	5,30	1,54	0,87	0,17	-	148
100 : 40	5,69	1,85	0,93	0,21	-	156
100 : 60	6,73	2,23	1,14	0,30	-	170
100 : 80	8,45	2,50	1,49	0,62	0,14	184

* Доналар 90 термоциклдан кейин, ** 100 термоциклдан кейин тўлиқ бузилган.

6-жадвалда тоза NH₄NO₃, 0,28% магнезиал қўшимчали АС ва ОАС доналарининг термоцикллар маълум сонидан кейин тўлиқ бузилган миқдори тўғрисида маълумот келтирилган.

9-жадвал


Термоцикллар сонига боғлиқ равишда NH₄NO₃ суюқланмаси ва Кармана оҳактош уни асосида олинган ОАС намуналари доналарининг термик барақарорлиги

NH ₄ NO ₃ : CaCO ₃ оғирлик нисбати	CaCO ₃ қўшимчаси миқдори, %	IV↔III шаклларга ўтишда бузилган доналар миқдори, %							
		10 цикл	25 цикл	50 цикл	90 цикл	100 цикл	150 цикл	175 цикл	200 цикл
Донадорланган NH ₄ NO ₃ «тоза» марка	—	5	21	36	100	—	—	—	—
0,28% MgO тутган АС	—	—	13	27	82	100	—	—	—
100 : 5	4,76	—	6	19	53	74	—	—	—
100 : 15	13,0	—	—	8	22	36	—	—	—
100 : 25	20,0	—	—	—	17	23	97	—	—
100 : 40	28,57	—	—	—	9	15	100	—	—
100 : 60	37,50	—	—	—	3	11	62	100	—
100 : 80	44,45	—	—	—	—	8	47	79	100

Шундай қилиб, NH₄NO₃ суюқланмасига оҳакни киритиш, доналари юқори мустаҳкамлик ва термик барақарорликка эга бўлган юқори самарали азоткальцийли ўғит олишга имкон беради.

Оҳактош уни NH_4NO_3 суюқланмаси нордонлигига буферли таъсир кўрсатади. Масалан, 180°C ва 120 дақиқалик ушлаб туришда тоза NH_4NO_3 суюқланмасининг рН кўрсаткичи дастлабки 5,17 дан 2,12 гача пасаяди. Шунинг ўзида $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3 = 100 : 25$ нисбатда ушбу кўрсаткич 7,27 дан 6,11 гача (атиги 1,16 га) пасаяди. Яъни суюқланманинг кучли нордонлашиш жараёни содир бўлмайди, чунки ҳосил бўлган HNO_3 оҳактош уни билан нейтралланади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Аммоний нитрати суюқланмаси ва маҳаллий оҳактош асосида оҳакли-аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш» ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра олиш технологияларининг йириклаштирилган лаборатория қурилмадаги тажрибалари ва «Navoiyazot» АЖдаги тажриба-саноат синовлари натижалари келтирилган. Ўтказилган тадқиқотлар асосида жараённинг асосий технологик кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Ёпишқоқлиги бўлмаган АС учун $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3$ мақбул нисбати 100 : 2 ҳисобланади, бунда маҳсулот 34% дан кам бўлмаган N тутади, оҳакли-аммиакли селитра учун эса 100 : 25, бу ерда азот 28% дан ошмайди.



4-расм. Ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра олишнинг технологик тизими:

1, 2, 9 – иссиқлик алмаштиргичлар; 3, 4 – НИФ қурилмаси (нейтраллаш иссиқлигини фойдалагич); 5, 7, 12 – қўшимча нейтраллагич; 6, 11 – скрубберлар; 8 – вентилятор; 10 – буғлатувчи қурилма; 13 – суюқланма фильтри; 14 – суюқланма учун сиғим; 15 – абсорбцион суюқлиги йиғичи; 16 – ботма насос; 17 – босимли бак; 18 – икки валли аралаштиргич; 19 – оҳактош уни учун бункер; 20 – дозатор; 21 – гомогенизатор; 22 – донадорлагич; 23 – донадорловчи минора; 24, 25 – лентали конвейерлар, 26 – қайноқ қатламда доналарни совитувчи қурилма; 27 – элеватор.

4-расмда ҳам ёпишқоқлиги бўлмаган АС, ҳам оҳакли-аммиакли селитра ишлаб чиқаришининг технологик тизими келтирилган. Синовлар давомида ёпишқоқлиги бўлмаган АСнинг 10 тонна тажриба партияси ишлаб чиқарилиб, у 6 ой мобайнида ўзининг сочилдувчанлигини тўлиқ сақлаб қолиши аниқланди.

Кенг миқёсдаги тажриба-саноат синовларидан сўнг оҳакли-аммиакли селитра технологияси АО «Navoiyazot» АЖга жорий қилинди. 2018 йилдан буён қиймати 36,24 млрд. сўм бўлган 55,95 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шундай қилиб, ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва оҳакли-аммиакли селитра қоникарли истъеъмолчилик хоссаларга эга ҳисобланади. Маҳаллий оҳактош асосидаги оҳакли-аммиакли селитра экспортга мўлжалланган маҳсулот ҳисобланади.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Турли хил кон оҳактошлари (Кармана, Жамансай, Овхона, Фориш, Карнаб) таркиб ва хоссалари ўрганилди. 99,85 %-ли NH_4NO_3 суюқланмасига уни донадорлашдан олдин оҳактош унини кўшиш орқали ёпишқоқлиги бўлмаган АС (34% дан кам бўлмаган N) олиш жараёни ўрганилди. Кўрсатдики, 100г NH_4NO_3 га 2г миқдорида ҳар қандай турдаги оҳактошни кўшганда селитра ёпишқоқлиги 2 баробар камаяди. Бунда унинг доналари мустаҳкамлиги 2,5 МПа дан кам бўлмайди. Демак, импорт ҳисобланган модификаторлар – брусит ва магнезитни маҳаллий оҳактош билан тўлиқ алмаштириш мумкин.

2. NH_4NO_3 : CaCO_3 оғирлик нисбатлари 100 : 5 дан 100 : 80 гача бўлган ораликда NH_4NO_3 суюқланмаси ва ҳар хил кон оҳактош уни асосида оҳакли-аммиакли селитра (ОАС) олиш жараёни ўрганилди. Кўшимча миқдори қанча кўп бўлса, АС доналари мустаҳкамлиги шунча юқори бўлади. NH_4NO_3 нинг CaCO_3 га мақбул нисбати 100 : 25 ҳисобланади. Бу ҳолатда маҳсулотнинг доналар мустаҳкамлиги Кармана, Жамансай, Овхона, Фориш ва Карнаб конлари оҳактош уни учун 5,30; 4,06; 6,39; 4,55 ва 4,32 МПа ташкил этади. Яъни, сезиларли даражада NH_4NO_3 нинг термик барақарорлиги таъминланади.

3. ОАС намуналарининг гигроскопик нуқталари 48-51% ташкил этади, бу тоза АС намунасига нисбатан 14-11% пастдир, аммо уларнинг доналари 5-6% миқдордаги намликгача ташқи кўриниши ва сочилувчанлигини сақлайди, бу тоза АС да 3,5% ташкил этади. NH_4NO_3 : CaCO_3 = 100 : (5-80) нисбатлар ва ҳароратларнинг (160-180°C) ўрганилган ораликларида оҳакли-нитратли суюқланмаларнинг ковушқоқлиги сепиш усулида (приллирование) донадорлаш учун яроқли ҳисобланади.

4. ОАС таркибида NH_4NO_3 модификацион ўзгаришларининг термик таҳлили ўтказилди. Кўрсатдики, ОАС суюқланмасини 175 дан 25°C гача совитилганда NH_4NO_3 нинг модификацион ўзгаришлари III фазани четлаб ўтган ҳолда суюқланма $\rightarrow\text{I}$; $\text{I}\rightarrow\text{II}$; $\text{II}\rightarrow\text{IV}$ схемаси бўйича боради, бу эса намуналар кристалл панжарасининг кам деформацияси ва донлар етарли мустаҳкамлигини таъминлайди. Оҳактош IV модификацияни барқарорлаштиради: ҳарорат ўзгаришида ($20\leftrightarrow 50^\circ\text{C}$) унинг кристалларида модификацион ўтишлар билан боғлиқ бўлган кескин ҳажмий ўзгаришлар содир бўлмайди. CaCO_3 аммоний нитрати парчаланишига ингибирлик таъсирини кўрсатиб, унинг структура бузилиш ҳароратини 211 дан 262°C гача оширади. Бунда ОАСни термик парчалош учун NH_4NO_3 га қараганда (-915,1 Дж/гр.) анча кўп энергия (-661,9 дан -886,3 Дж/гр. гача) талаб этилади.

5. Йириклаштирилган лаборатория қурилмасидаги тажриба ишлари ва «Navoiyazot» АЖдаги тажриба-саноат синовлари асосида оҳактош қўшимчали ёпишқоқлиги бўлмаган АС ишлаб чиқаришнинг технологик тизими тавсия этилди. Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблар, четдан келтирилаётган магнезитни маҳаллий оҳактошга алмаштирилганда қўшимча таннархи 87% гача камайишини кўрсатмоқда.

6. Оҳакли-аммиакли селитра технологиясининг кенг миқёсдаги тажриба-саноат синовларини «Navoiyazot» АЖда ўтказиш орқали ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Термик барқарор оҳакли-аммиакли селитра ишлаб чиқаришининг технологик тизими тавсия этилди ва моддий баланси ҳисобланди. 2018 йилдан буён қиймати 36,24 млрд. сўм бўлган 55,95 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.К/Т35.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ЖУРАЕВ НОДИР ЁДГОРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ВНЕДРЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ
ЭКСПОРТООРИЕНТИРОВАННОЙ МОДИФИЦИРОВАННОЙ
АММИАЧНОЙ СЕЛИТРЫ С ДОБАВКОЙ МЕСТНОГО ИЗВЕСТНЯКА**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.4.PhD/T1397

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.iohx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу www.ziyounet.uz

Научный руководитель: **Намазов Шафоат Саттарович**
доктор технических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Мирзакулов Холтура Чориевич**
доктор технических наук, профессор

Нурмуродов Тулкин Исамуродович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Наманганский инженерно-технологический институт**


Защита состоится «5» июня 2020 г. в «13⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc 02/30.12.2019.K/T35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: iohx@uz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за №4, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «28» мая 2020 года (реестр протокола рассылки №4 от «28» мая 2020 года.




Закиров Б.С.
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор


Салиханова Д.С.
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор


Абдурахимов С.А.
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире производство минеральных удобрений занимает лидирующую позицию в химической промышленности. Сегодня, при интенсивном ведении сельского хозяйства, плодородие почвы и урожайность культур в основном зависят от правильного выбора типа удобрения. Среди азотных удобрений аммиачная селитра (АС) является универсальным продуктом, эффективно на всех типах почв и под все сельскохозяйственные культуры. Поэтому многие страны уделяют внимание на получение модифицированной АС, обладающей хорошими товарными качествами и пониженной детонационной способностью. В этом плане применение дешевых и легкодоступных, но высокоэффективных добавок является актуальной задачей.

В мире при разработке и производстве новых видов АС, устойчивых к внешним воздействиям в период хранения и применения, обладающих высокой термостабильностью, обогащенных микро- и макроэлементами, сохраняющих высокую агрохимическую эффективность на основе плава либо раствора нитрата аммония и различных добавок необходимо обосновать соответствующие решения по следующим направлениям: изучение влияния местного известняка на слёживаемость и прочность гранул АС, а также их термоустойчивость при многократно повторяющихся циклах нагрев-охлаждение в диапазоне $20 \leftrightarrow 50^\circ\text{C}$; нахождение оптимальных соотношений $\text{NH}_4\text{NO}_3 : \text{CaCO}_3$, при которых повышается прочность и термоустойчивость, уменьшается слёживаемость, пористость, впитываемость дизельного топлива, скорость растворения в воде гранул АС; разработка технологии получения неслёживающейся АС и известково-аммиачной селитры на основе плава нитрата аммония и местных известняков.

В Республике на основе реализации широкомасштабных мероприятий и инновационных разработок на АО «Navoiyazot» сделаны определенные шаги по производству минеральных удобрений, таких как простой суперфосфат, фосфатизированная АС, Бентоселитра, карбамид, нитрат калия и различных марок НРК-удобрений. В третьем направлении Стратегии действия по развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021 гг. отмечены важные задачи, направленные на «...модернизация и диверсификация промышленности путем перехода на новый уровень касательно качества по быстрому развитию производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья...»¹. В этом плане важное значение приобретает разработка технологии получения экспортоориентированной АС с применением местного известняка.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

